

**O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus  
ta’lim vazirligi**  
**Buxoro muhandislik-texnologiya instituti**  
**“O‘zbek tili va adabiyoti” kafedrasи**

**“NAQSHBANDIYA TA’LIMOTINING  
XORIJDA O’RGANILISHI:  
ISTIQBOL, MUAMMO VA YECHIMLAR”**

mavzusidagi

**RESPUBLIKA MASOFAVIY ILMIY-AMALIY  
ANJUMANI MATERIALLARI**  
**2021-YIL 26-MART**



**BUXORO – 2021**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI  
BUXORO MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA INSTITUTI  
“O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI”  
KAFEDRASI**

**“NAQSHBANDIYA TA'LIMOTINING  
XORIJDA O'RGANILISHI:  
ISTIQBOL, MUAMMO VA YECHIMLAR”**

**mavzusidagi respublika masofaviy ilmiy-amaliy anjumani**

**MATERIALLARI TO'PLAMI**

**2021-YIL 26-MART**



**BUXORO – 2021**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартағи 78-Ф Фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил 25-26 март кунлари Бухоро мұхандислик-технология институтида “Нақшбандия таълимотининг хорижда ўрганилиши: истиқбол, муаммо ва ечимлар” мавзусида республика миқёсида илмий-амалий анжуман ўтказилади. Анжуманда Нақшбандия таълимоти пирларининг маънавий мероси ўзлигимизни аңглаш мезони сифатидаги тамойиллари, Ёшларни касб-хунар ва илмий-инновацион фаолиятга йўналтиришда нақшбандия таълимотининг фундаментал тамойиллари, Нақшбандия таълимоти - филологик тадқиқот обьекти сифатида, Нақшбандия таълимотининг руҳий-маънавий, тарбиявий аҳамияти, Жаҳолатга қарши маърифат тамойили асосида курашишда тасаввуфнинг инсонпарварлик ғоялари каби масалалар мұхокама этилди. Анжуманда республикамизнинг таникли олимлари, докторант ва мустақил тадқиқотчилари ўз маъruzалари билан иштирок этилди.

Ушбу анжуман материаллари муаллифларнинг илмий изланишлари натижаси сифатида тўлиқ матни сақланган ҳолда нашрга киритилди.

### **Ташкилий қўмита аъзолари:**

**БухМТИ ректори проф.Н.Р.Баракаев**

**БухМТИ илмий ва инновацион ишлар проректори  
ф-м.ф.доктори М.Шарипов**

**БухМТИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори  
Г.Н.Наврӯзова**

**НавДПИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири, профессор  
Н.О.Сафарова**

**БухМТИ “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси мудири  
ф.ф.д.Г.С.Юнусова**

**Мусахҳих:**

**БухМТИ “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси  
ўқитувчиси Г.Х.Истамова**

**Мақолалардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва имло  
жихатларига муаллифлар масъулдирлар**

## **АЗИЗИДДИН НАСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**Нарзиев Зубайдилло, БухДУ  
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори(Phd),**

Сўнгги йилларда глобал миқёс касб этиб, инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олаётган турли маънавиятга зид хавф-хатарлар вужудга келди, уларнинг олдини олишнинг самарали йўлларини аниқлаш муҳим вазифага айланди. Гарчанд, инсон онги ва қалби учун кураш тарихан турли шаклларда инсоният ҳаётидан ўрин эгаллаб келган бўлса-да, XXI асрда бу жараён турли оқимлар ва кучлар томонидан ғаразли мақсадлар йўлида амалга оширилаётган, инсон, жамият маънавиятига мафкуравий хуружлар орқали кечмоқда. Инсоният маънавияти халқаро экстремизм ва терроризм доирасидаги ёвуз кучларнинг хуружларидан азият чекмоқда. “Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона қўринишдаги таъсирига бардош бериши амри маҳол” .[4:113] - дея таъкидлаган эди биринчи Президентимиз И.А. Каримов. Бугунги кунда комил инсон ҳақида тасаввур ва қарашларимизнинг илмий-назарий, амалий асосларини мустаҳкамлаш, бу борадаги муайян хулосалар чиқариш, маънавиятни янада юксалтириш учун юртбошимиз асарлари, мутасаввиф олимларнинг қарашлари, хусусан, Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси фундаментал аҳамият касб этади. Маълумки, тасаввуф таълимотида комил инсон идеали, унинг асосий хусусиятлари, бу идеалга эришиш жараёнидаги руҳий эволюция босқичлари, унинг инсон ҳаёти маъносини англашдаги ўрни каби бир қатор ахлоқий - фалсафий масалалар чуқур назарий таҳлил этилган. Тасаввуф таълимотида бундай масалаларга нисбатан ёндошувлар хилма-хиллигини кузатиш мумкин. Юқоридаги фикрдан шуни англаш мумкинки, комил инсон тушунчаси ўз моҳиятига кўра кўп маъноли хусусият касб этади. Ҳар бир таълимот комил инсон тушунчасига ўз даври ижтимоий-тарихий шарт-шароитларидан келиб чиқиб ёндошган ҳолда унинг маълум аспектини очиб берганлигини кузатиш мумкин. XII-XV аср Шарқ мутафаккирлари дунёқарашига таъсир этган муҳим омиллардан бири бу айнан тасаввуф таълимотидир. Тасаввуф таълимотининг ёрқин намоёндаларидан Юсуф Ҳамадонийнинг ирфон мактабида таълим олган Абдухолиқ Фиждувоний ва Аҳмад Яссавийлар мустақил тасаввуфий тариқатларини ташкил этдилар.[3:148] Яссавия

тариқатида тасаввуфнинг назарий асослари бўлмиш инсоннинг зоҳирий ва ботиний покланиши, танани чиниктириб руҳи покланишини тарғиб этувчи тадбир-тариқат, ҳақиқат, маърифат, муҳаббат босқичлари муҳим ўрин тутади.

Комил инсон концепциясининг турли талқинлари орасида Азизиддин Насафийнинг қарашлари алоҳида диққатга сазовор ва бу масалаларни илмий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этиш долзарбдир. Зеро, тасаввуф таълимотида комил инсон ва уни тарбиялашдек ғояга бутун бир асар ёзган мутасаввифлар саноқлидир. Азизиддин Насафийнинг инсон тўғрисидаги қарашлари “Кашф ул ҳақойик” (“Ҳақиқатларнинг очилиши”), “Зубдатул ҳақойик” (“Ҳақиқатлар қаймоғи”), “Мақсади ақсо” (“Сўнгги мақсад”), “Ал инсон ул комил” (“Комил инсон”), “Манозил ас-соирин” (“Сайр этувчиларнинг манзиллари”), “Усул ва фуруъ” (“Асос ва шоҳлар”), “Баён ат-танзил” (“Нузул баёни”), “Мабдаъ ва маод” (“Чиқиш ва қайтиш жойлари”) каби асарларида баён этилган.[5:99] Насафийнинг комил инсон концепцияси миллий ғоямиздаги комил инсон концепциясини асослашда пойдевор вазифасини ўтайди. Айниқса бугунги юксак маънавиятли баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги давлатимиз сиёсати, айнан, Азизиддин Насафий ҳамда бошқа кўплаб мутасаввифларнинг комил инсон борасидаги қарашларини ўрганишни ва уни амалиётга жорий этишни тақозо қиласи. Чунки юксак маънавиятлилик ва комилликнинг шарти сифатида кўрсатилувчи кўплаб масалалар бундай қарашларда яққол намоён бўлади. Жумладан, руҳан покланиш, қалб улуғлиги, виждан поклиги тушунчалари комилликнинг бирламчи ва асосий негиз шартларидан саналади. Азизиддин Насафий қарашларида юқоридаги тушунчалар қалб, тил ва амал бирлиги кўринишида ифодаланган. Биргина шу масаланинг ўзи улкан аҳамиятга эга. Негаки, айни жиҳатга эътиборсизлик ғарбда ижтимоий бегоналашув, маргиналлик, экзистенциал вакуум каби ҳолат ва тушунчаларни ўзида акс эттирган нигилизм фалсафасини келтириб чиқарди. Бундай салбий оқибатларнинг олдини олиш каби назарий ва амалий масалаларни ҳал этишда ҳам Азизиддин Насафий комил инсон концепциясининг аҳамияти муҳим.

Бугунги кунда глобал маънавий таҳдидлар замонида ислом динини ниқоб қилиб олган турли экстеримистик ғояларнинг ғаразли мақсадларини англашда ҳам ушбу концепцияга зарурат туғилади. Зеро, Азизиддин Насафий ўзининг “Зубдат ул ҳақойик” асарида дунё борлиғи, инсон борлиғи, унинг маънавий камолоти ҳақидаги фикрларни ислом фалсафасининг уч катта назарий асоси бўлмиш шариат аҳли, ҳикмат аҳли (файласуфлар) ва мутасаввифлар қарашларининг қиёсий таҳлили орқали очиб берган. Шу маънода Азизиддин Насафий таълимоти билан танишиш дин, фалсафа ва тасаввуф илмлари моҳиятини англашда ҳам беминнат кўмакчи вазифасини

үтайди. Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси ислом шариати ва тасаввуф илми ўртасидаги баҳсли масалаларни ойдинлаштиришда ҳам бирмунча назарий аҳамиятга эга. Мутасаввифнинг комил инсон концепцияси методологик жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, яъни унда қиёслаш, анализ ва синтез методлари имкониятларидан кенг фойдаланилган ва ахлоқий-фалсафий масалаларни ёритишда шариат аҳли, ҳикмат аҳли ва ваҳдат аҳли қарашларининг қиёсий таҳлилини ўрганиш билан бирга ўзи ёритган ҳар бир ахлоқий масаланинг онтологик генезисига ҳам чукур эътибор қаратилган. “Комил инсон” тарбияси масалаларини таҳлил қилишда Насафий зардуштийлик таълимотига мурожаат қилган. Ушбу таълимотнинг асосий ахлоқий (эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал) ғояларини қўллаб уни “маърифат” (яъни ўзини англаш) тушунчаси билан тўлдирган.

Насафий инсоннинг билиш қобилиятига юксак баҳо бериб, унинг яратувчанлик истеъодини шарафлаган. Унинг назарида, жаннат ва дўзах аввало бу дунёнинг ўзида мавжуд, яъни тинч, осойишта ҳаёт, донолар сухбати жаннатдан нишона бўлса, фитна ва фасод кўчайган нотинч муҳит, жаҳолат, дўзахдан далолат беради. Мутасаввифнинг “Ал-инсон ул комил” асари тасаввуф ва ирфон тарихи, фалсафий қарашлар тарихини билишда бебаҳо манбაъ бўлиб хизмат қиласи. Насафий бир вақтда инсонни (инсони суғро) ва кичик олам (олами суғро) деса, бутун оламнинг ўзини (олами кубро) ва улуғ инсонни (инсони кубро) дейди. Ҳар бир инсон кичик олам, бутун оламнинг ўзи улуғ оламдир. Инсон ҳар икки оламнинг нусхаси ва тимсоли, белгисидир. Улуғ оламда бор нарсалар кичик оламда мавжуд. Инсон улуғ оламнинг аввалу охири, зоҳиру ботини, моҳият ва шаклларини идрок этиш учун ўзининг моҳиятини, зоҳир ва ботинини англаб этиши керак. Шунингдек, Насафий инсоннинг руҳига юксак баҳо беради: “Рух жавҳардир, у жисмни ҳаракатга келтиради ва такомиллаштиради. У табиатга мувофиқ ўсимлик даражасида, ҳаракатга мувофиқ ҳайvon даражасида, ақлга мувофиқ комил инсон даражасида зухур этади.[1:55]

Азизиддин Насафий ўзининг таълимотида инсонни “солик”, яъни ўйловчига қиёслайди. Бунда инсоннинг ўз ички, маънавий дунёсига сафар этиши назарда тутилади, айнан ички сафар уни комилликка эришишига ёрдам беради ва бунинг учун у аввало ўз нафсини енга олиши, имонини мустаҳкамлаши ва ахлоқий хулқ атворга эга бўлиши керак. Умуман олганда, инсон тарбия жараёнидаги ахлоқий масалалар инсонни инсон сифатида шакллантиради, яна шуни таъкидлаш ўринлики, жамиятда содир бўладиган, кузатиладиган кўпгина нохуш муаммоларнинг асл заминида инсоннинг ахлоқсизлиги асосий сабаб бўлиб туради. Насафий руҳга яна қуйидагicha таъриф беради: “Рух латиф жавҳар, у майдаланмайди ва аъзоларга

бўлинмайди. Чунки руҳ амр оламидан, ҳатто унинг ўзи амр. Жисм эса қаттиқ ва дагал жавҳар, у майдаланади ва жисмларга бўлинади, у махлукот оламидан”.[1:56]. Мутасаввифнинг мазкур хulosаси комил инсон тарбиясида руҳнинг алоҳида ўрни борлигидан далолат беради. Азизиддин Насафий шундай дейди: “Жумла мавжудот одамзотга шунинг учун сажда қиласиди, одамлар орасида комил инсон бор. Бас, жумла одам комил инсон туфайли шарафлидир. Мавжудотлар ичра комил инсондан улуғроқ, шарафлироқ ва донороқ зот йўқ, чунки комил инсон энг пастдан энг юқоригача мартабалардаги мавжудотнинг хulosаси ва қаймогидир, фаришталар, руҳоний мавжудотлар ва аршу курси, самовоту кавокиб ҳаммаси комил инсон хизматидадирлар ва ҳамиша комил инсон теграсини тавоғ қилурлар ва комил инсон ишларини бажо келтирурлар. Комил инсон илм мазҳаридир, комил инсон илоҳий зот сифатларининг ҳам мазҳаридир”.[2:3] Умуман олганда, юқорида келтирилган маълумотлардан шу нарса аёнлашадики, тасаввуф аҳли инсонни руҳан ва жисмонан бирлигини таъкидлашади, асосан руҳнинг юксаклигини, уни поклигини ҳамда даволаниши кераклиги ҳақида фикр юритишади, зеро руҳи пок инсоннинг жисми ҳам пок бўлиши, ақли етук инсоннинг ўз олдига олий мақсадлар қўйиши шак шубҳасиздир.

Насафий таълимотидаги комил инсон тушунчасига қуйидагича хulosа беришимиз мумкин: комил инсон бунёдкорлик, яратувчилик қобилиятига эга бўлиб қолмай, у ақлга мувофиқ ҳаракат қиласиди ва ўз маънавий дунёсига сайр қилувчи сайёҳдир. Мутасаввиф инсонни ҳайвонга тенглаштиради ва унда ҳайвондан фарқли тарзда комиллик сари интилиш сифати мавжудлигини қайд этиб, инсон руҳини тарбиялашга, илм олишга, ҳаромдан, ҳалоллиги шубҳали бўлган нарсалардан тийилишга, зикр қилишга лойик хусусиятлари борлиги тўғрисидаги фикрларни илгари сурган. Азизиддин Насафий фикрига мувофиқ, инсон - ҳайvon турларидан биридир. Таълим ва тарбия, ўқиш ва такрорлаш, тақво, зикр туфайли инсон даражасига кўтарилади.[1:42] Ҳаёт, билим, ирова, қувват, эшлиши, кўриш, нутқ, ирова этиш каби хусусиятлар ҳақиқатдан ҳам инсондан ташқари мавжуд эмас. Бундай хусусиятлар, қобилияtlар инсон жисмида ҳаракат қилганида ҳақиқий мавжудлик касб этади. Камолот худди шундай мавжудлик бор жойда содир бўлади. Дарахтнинг барча хусусиятларидан, ривожланиш даражасидан меваси қадрли бўлганидек, мавжудотнинг меваси - инсондир. Одамзот жонли мавжудот бўлганлиги учун ҳам, у ўзининг зарурияти миқдорида меҳнат қилиши, оиласини хор қилмай бокиши, кучи етгунча бошқа кишиларга хизмат қилиб, ҳожат чиқариши лозим. Чунки қаноат ва озодликдан яхшироқ нарса йўқ. Кимки қаноат ва зуҳдни пеша қилган бўлса, у - шоҳдир. Кимки ушбу хислатларга эга бўлмаса, у - қулдир.

Азизиддин Насафий, комил инсон деганда, инсонларнинг энг мукаммали, энг ақлли, энг доноси, Худо билан одамларни боғловчи, гайб сирларини бошқаларга етказувчи кишини тушунади. Бундай кишида илоҳий хислатларнинг ҳаммаси мужассам бўлади, ўзининг юксак маънавияти билан бутун коинотни қамраб олади. Бундай кишилар ҳамиша бедор ва ҳамма нарсадан хабардор бўладилар. Комил инсон жамият ичидаги шаклланади, яъни азалдан мартабаси аниқланган рух эмас, балки маънавий-ахлоқий покланиш жараёнида камолотга эришади. Комилликнинг олий белгиси - Ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Инсон ўзининг кундалик фаолияти билан бошқаларга қанча фойда келтирса, ёмонларни тўғри йўлга бошласа, Ҳақ йўлида фидойилик қиласа, шунчалик юксакликка, комилликка кўтарилади.

Насафийнинг қуидаги фикри ҳам инсоннинг комиллик сари интилишида ўзига хос ўринга эгадир. Мутасаввиф “...инсон жони (рухи) нинг камолоти ақллар ва фалаклар олами (рухи) билан вобастадир, зеро фалаклар оламининг барча жонлари ва ақллари маърифат ва сафо соҳибидирлар ва доимий равишда маърифат эгаллаб, нурафшонлик касб этадилар. Шу боис инсоннинг вазифаси-узлуксиз маърифатга интилиш ва нур билан тўлдириш ва илм топиб, мусаффолик сари интилишдир”[1:21]. Бу фикрлар орқали мутасаввиф инсонни илм олиш, маърифатга интилиш ва ўз қалбини маърифат нурлари билан тўлдиришдек қимматли амалларга ундаган.

Азизиддин Насафий яна бир ўринда қуидаги “...шундай йўл тутгинки, қалбинг саховат ва ҳикматга тўлган бўлсин, эзгулик соҳиби бўлгин... қалбинг ҳақгўйлик (ростлик) ва эзгулик билан безансин, токи инсон деган улуғ номга муносиб бўлсанг дўзах азобларидан кутуласан... Сенинг ҳақиқатинг (моҳиятинг) тўғрилик ва хайрли ишлар ижод қилиш бўлсин”.[1:54]-гояни илгари сурган. Бу ҳам комиллик сари интилишнинг ўзига хос йўналишларидир. Комил инсонга Яратган томонидан кўрсатилган бунчалик ҳурмат-эътиборнинг, олий эҳтиромнинг боиси, унинг ҳам илоҳий, ҳам дунёвий такомилга эришгани учундир, чунки у “ҳеч кимга хизматини дариф тутмайди, тили, қўли, моли билан ўзгалар ёрдамига шошилади... зеро қалб камолотига эришиб, жаннатий одам нимаики қилмасин, унинг дунё ва охирати кенгаяди”[1:55]. Демак, комил инсонлар Аллоҳнинг суюк бандалари, чунки улар Яратганинг асл мақсадини рўёбга чиқариш учун бунёд бўлганлар: бу юксак ахлоқ эгаларининг ҳар икки дунё учун буюк хизматлари жаннатни кенгайтириш ва дўзахни торайтиришдан иборат. Шу боис улар коинотнинг сарвари, барча борлик улар учун яратилган.

Шундай қилиб, Азизиддин Насафий инсон буюк зот эканлигини ҳар томонлама исботлади. Инсон, коинот, Оллоҳ ўзаро алоқадор, бир-бирига таъсир ўтказиб туради, деган хуносага келди. Худди шунинг учун ҳам,

Азизиддин Насафийни тасаввуф фалсафасида баркамол инсон тўғрисидаги таълимотнинг машхур назариётчиси дейиш мумкин. Ўз навбатида, Азизиддин Насафий кубравияни ўрта аср мусулмон фалсафасида инсон руҳий-маънавий камолоти тўғрисидаги йирик, яхлит таълимот даражасига кўттарди, десак муболаға бўлмайди .

Хулоса қилиб айтганда, Азизиддин Насафий XIII аср тасаввуф тариқатининг кўзга кўринган назариётчиси сифатида тасаввуф таълимотининг ниҳоятда мashaққатли ва масъулиятли йўл эканлигини, бу йўлга кўр-кўrona кириб бормасликни назарий жиҳатдан асослаб беради. Тасаввуф йўлини танлаган одам учун бу йўл одамийликнинг барча даражаларини эгаллашга ёрдам беришини, зеро, тасаввуф йўлига киришнинг асл мақсад-муддаоси қалб саховатига эга бўлиш, эзгулик соҳибига айланишдан иборатлигини таъкидлаб кўрсатади. “Шундай бўлгилки, сендан беихтиёр ҳамиша яхшилик ва саховат ёғилиб турсин, ҳамма вақт ёвузлик ва хақорат ёғдирадиган кишилардан бўлма, чунки уларнинг ҳақиқати (табиати) ҳамиша ноҳақлик ва зулм, нохушлик ижод қилишдир. Сенинг ҳақиқатинг (моҳиятинг) тўғрилик ва хайрли ишлар ижод қилиш бўлсин”, - деб ўз фикрини хулосалайди Азизиддин Насафий.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Азизиддин Насафий. Зубдат ул ҳақойиқ – (Ҳақиқатлар қаймоги). Н. Комилов тарж. –Т. “Камалак”. 1996.
2. Нажмиддин Комилов. Нажмиддин Кубро рисоласи. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент. 1995.
3. Наврӯзова Г., Нурматова Н. Юсуф Ҳамадоний –етти пирнинг табаррук устози,-Т. 2016.148-бет
4. Каримов Ислом. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008.
5. Сайджафарова П.Ш. Мистические и философские взгляды Азизуддина Насафи. Диссертация на соискание ученой степени кандидата философских наук. “Душанбе”. 2012.

## **ХОЖА ИСМАТ БУХОРИЙ МЕРОСИНИНГ АХЛОҚИЙ-ТАРБИЯВИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ**

**Раупова Равно Соҳибовна, БухДУ**

Темурийлар даврида етишиб чиқсан йирик алломалар меросининг марқазида инсон ва унинг камолоти, жамият маънавий ҳаётидаги ҳамжиҳатлик, касб кор эгаллаш, ҳалол меҳнат қилишга ундовчи ғоялар

## МУНДАРИЖА

<b>№</b>	<b>МУАЛЛИФ(ЛАР)</b>	<b>Мавзу</b>	<b>Бет</b>
<b>1</b>	<b>Баракаев Н.Р.</b>	Кириш сўз ўрнида	<b>4</b>

### **1-ШЎБА. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ ПИРЛАРИНИНГ МАЊНАВИЙ МЕРОСИ ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ МЕЗОНИ СИФАТИДА**

<b>№</b>	<b>МУАЛЛИФ(ЛАР)</b>	<b>Мавзу</b>	<b>Бет</b>
<b>2</b>	<b>Проф. Г.Н. Наврӯзова, БухМТИ</b>	Ҳакимия - Нақшбандия таълимотининг назарий асоси сифатида	<b>6</b>
<b>3</b>	<b>Проф. Н.О Сафарова, НавДПИ</b>	Хожагон тасаввуфий таълимотида билиш назарияси	<b>14</b>
<b>4</b>	<b>Проф. М.С.Хажиева, УрДУ</b>	Хожа Аҳмад Яссавий дунёқарашининг мањнавий илдизлари	<b>19</b>
<b>5</b>	<b>Доц. Ҳайдаров Ю.Х. БВХТХҚТ ва МОҲМ</b>	Нақшбандия ғояларининг Алишер Навоий бадиий ижодиётида ҳамда ёшлар мањнавий тарбиясида тутган ўрни	<b>22</b>
<b>6</b>	<b>Проф. Саломова Ҳ.Ю. БухДУ</b>	Тасаввуфда меъёр ва унинг мезонлари	<b>28</b>
<b>7</b>	<b>Ф.ф.д. Г.С.Юнусова, БухМТИ</b>	Қодирия ва Нақшбандия таълимотида ўзликни англаш ғоясининг фалсафий моҳияти	<b>36</b>
<b>8</b>	<b>Доц. С.У. Ходжаниязов, УрДУ</b>	Ёшларнинг мањнавий-аҳлоқий тарбиясида Хоразм мутафаккирлари асарларининг ўрни ва роли	<b>40</b>
<b>9</b>	<b>Ф.ф.н. Ҳ.Ҳ.Рахматова, БухМТИ</b>	Хожа Аҳрор Валий таълимотининг жаҳоний аҳамияти	<b>43</b>
<b>10</b>	<b>Ф.ф.б. (Phd), З.Нарзиев, БухДУ</b>	Азизиддин Насафий қарашларида комил инсон тарбиялашнинг назарий асослари	<b>47</b>
<b>11</b>	<b>Р.С.Раупова, БухДУ</b>	Хожа Исмат Бухорий меросининг аҳлоқий-тарбиявий жиҳатлари ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни	<b>52</b>
<b>12</b>	<b>С.М.Рахмонов, СамДЧТИ</b>	Амир Темур Ва Амир Кулол ўртасидаги муносабатлар	<b>55</b>

### **2-ШЎБА. ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДАГИ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ**

№	МУАЛЛИФ(ЛАР)	Мавзу	Бет
13	Доц.С.Ж.Камолова, БухМТИ	Хорижий мамлакатларда нақшбандия таълимотининг талқини	61

### 3-шўба. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ - ФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

№	МУАЛЛИФ(ЛАР)	Мавзу	Бет
14	Проф. Р.Т.Шодиев <b>СамГИИЯ,</b> PhD. Д.Ҳ.Бахриева, <b>СамГУ</b>	Абдурахман Джами великий шейх и теоретик тариката накшбандия	65
15	Доц. Э.Х.Зойиров, БухМТИ	Яссавия ва Нақшбандия таълимотидаги умумийлик ва хусусийлик	69
16	Доц. М.Т.Гуламова БухТИ	Нақшбандия таълимотидаги валийлик тушунчасини Ахмад Зиёуддин Ал-Кумушхонавий томонидан ривожлантирилиши	73
17	М. Гуламова БухДУ докторанти	Хожа Муҳаммад Порсо –Нақшбандия тариқатининг йирик назариётчиси	81

### 4-шўба. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ РУХИЙ-МАЊИАВИЙ, ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

№	МУАЛЛИФ(ЛАР)	Мавзу	Бет
18	П.ф.н., доцент, <b>Х. Алимов,</b> ЎзбХИА	Нақшбандия тариқатидаги “Хилват дар анжуман” тамойилининг психологик жиҳатлари	88
19	Ф.ф.н., доц. <b>С. Т. Исмоилов</b> ГулДУ	Баҳоуддин Нақшбанднинг бағрикенглик ва инсонпарварлик қарашлари	90
20	<b>И.Ҳамдамов,</b> СамДЧТИ	Марказий Осиёда тасаввуф тариқатлари эволюцияси	94
21	<b>Ж.Ж.Шодиев,</b> БухМТИ	Умар Хайём асарларида руҳий поклик ва руҳий ишқнинг тасаввуфий талқини	98
22	Г.Р.Кучкарова, БухМТИ	Бухоро Ислом динининг қуббаси	103

### 5-шўба. ЖАҲОЛАТГА ҶАРШИ МАҶРИФАТ ТАМОЙИЛИ АСОСИДА КУРАШИШДА ТАСАВВУФНИНГ ИНСОНПАРVARЛИК ҒОЯЛАРИ

<b>№</b>	<b>МУАЛЛИФ(ЛАР)</b>	<b>Мавзу</b>	<b>Бет</b>
<b>23</b>	<b>Ф.ф.н., доц. О.Т.Шарипова, БухДУ</b>	Абдухолик Ғиждувоний таълимотида жамиятга муносиб бўлмоқ хусусида	<b>108</b>
<b>24</b>	<b>Г.Х.Истамова, БухМТИ</b>	«Насойим ул-муҳаббат»да нафс тарбияси	<b>116</b>
<b>25</b>	<b>М. А. Садуллаева, БухМИ</b>	Принцип Накшбанди: знание чисел	<b>120</b>
<b>26</b>	<b>Д.О. Ғафуров, БухМТИ</b>	Махдуми Аъзамнинг “Асрор-ун-никоҳ” рисоласида оилавий муносабатларнинг фалсафий-ижтимоий таҳлили	<b>124</b>
<b>27</b>	<b>Доц. Г.Х. Казимова, БухИТИ</b>	Духовная практика суфизма	<b>128</b>
<b>28</b>	<b>Qodirova Muattar G'anijonovna, BuxMTI o'qituvchisi</b>	Tasavvuf yuksak axloq va odobdir	<b>131</b>
<b>29</b>	<b>Н.К.Шамсутдинова, НавДПИ</b>	Абу Али Ибн Сино тасаввуфининг иррационал моҳияи	<b>133</b>
<b>30</b>	<b>Л.Н. Орзиеva, БухИТИ</b>	Истины Бахауддин Накшбанди	<b>135</b>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**“ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ”  
КАФЕДРАСИ**

**“Нақшбандия таълимотининг хорижда  
ўрганилиши: истиқлол, муаммо ва ечимлар”  
мавзусидаги**

**РЕСПУБЛИКА МАСОФАВИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
АНЖУМАНИ МАТЕРИАЛЛАРИ ТҮПЛАМИ**

**2021 йил 26 марта**



**БУХОРО -- 2021**